

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОНГАРОВ МАНСУРБЕК БАЙРАМБЕКОВИЧ

**ЎҚУВ ДАЛА АМАЛИЁТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ МЕТОДИК
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Онгаров Мансурбек Байрамбекович

Ўқув дала амалиётида талабаларнинг касбий методик тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари..... 3

Онгаров Мансурбек Байрамбекович

Технологии развития профессионально-методической подготовки студентов в ходе учебно-полевой практики..... 25

Ongarov Mansurbek Bayrambekovich Technologies for the development of professional methodological training of students in field practice..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОНГАРОВ МАНСУРБЕК БАЙРАМБЕКОВИЧ

**ЎҚУВ ДАЛА АМАЛИЁТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ МЕТОДИК
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped1815 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматкулов Дониёр Анварович
биология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Ешмуратов Роҳат Артыкбаевич
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.20.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2022 йил «23» февраль куни соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй. Университет мажлислар зали. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: karsu.info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№66-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй, Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2022 йил «08» февраль куни тарқатилди.
(2022 йил «08» февралдаги 1-рақамли реестр баённомаси)



М.А.Жуманов
Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

М.К.Бегжанов
Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.ф.д.

Я.И.Аметов
Илмий даражалар берувчи бир
марталик Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим жараёнига педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, таълим жараёнида фойдаланиладиган замонавий педагогик технологияларни яратиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали талабаларнинг ўқув фанларини чуқур ва пухта ўзлаштиришига эришишга алоҳида эътибор берилмоқда. Табиий фанлар, жумладан, биологияни ўқитишда замонавий электрон таълим ресурслари, интерактив дастурий воситаларнинг визуал ва виртуал имкониятларига асосланган ҳолда дарсларни ташкил қилиш, шунингдек, талабаларнинг олган назарий билимларини ривожлантиришда ўқув-дала амалиётига бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда ва бу шундан далолат берадики, илм-фан ютуқлари, жумладан, табиий фанларнинг инсоният ҳаётида тутган ўрни сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Шунга кўра, биология фанларини ўқитишда дала амалиётида таълим бериш методикасини шакллантириш ва талабаларни касбий-методик ривожлантириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида амалиёт дарсларини ривожлантириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг назарий таълимини амалиёт билан боғлаб ташкил қилинса, самарадорлик сезиларли даражада ортади. Бу борада, жумладан, табиий фанлар бўйича амалиёт ишлари олиб борилганда ҳайвонлар ва ўсимликларнинг табиий яшаш муҳити, шунингдек, паразит ҳайвонларнинг яшаш шароити, тузилишини кўриб ўрганиш талабаларнинг келажакдаги касбий фаолиятида муҳим ўрин тутди. Бу уларнинг илмий салоҳияти янада ўсишига олиб келади. Шунга кўра, биологик билимларни дала амалиёти базасида чуқурлаштириб ўрганиш методологиясини бойитиш ва талабаларнинг илмий салоҳиятини баҳолаш алоҳида илмий-амалий аҳамиятга касб этади.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини турли касалликлардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, паразитар касалликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларни такомиллаштириш борасида маълум ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу эса, олий таълим тизимида талабаларнинг биологик билимлари ва салоҳиятини ривожлантиришда интерактив электрон таълим ресурслари асосида ўқув жараёнларини ташкил

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

этиш, замонавий виртуал лаборатория машғулотларини яратиш, шунингдек, зоология фанидан ўқув-дала амалиёти самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган методикани такомиллаштиришни тақазо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”², 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”³, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифати илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз таълим тизимида биология фани асосида ўқув-дала амалиётининг янгича ўқув-услубий имкониятларини тадқиқ этиш масалалари О.Мавлонов, А.Қулмаматов, К.Сапаров, П.Хайдарова, Н.Тошманов Ж.Лаханов, М.Йўлдашева кабиларнинг ишларида ўз аксини топган. Бундан ташқари, биология ўқитиш методикасини такомиллаштириш, биология фани соҳасида замонавий таълим технологияларини қўллаш ва ўқув жараёнида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари А.Ғофуров, Ж.Толипова, С.Файзуллаев, Г.Эргашева, З.Матяқубова, С.Наимжонова, М.Ибодова, Л.Карахонова, У.Рахматов ва бошқ., томонидан ўрганилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 декабрдаги Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151 сонли қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3775 қарори.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.08.2020 й., 07/20/4805/1174-сон.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида ўқув-дала амалиётида талабалар билан олиб бориладиган ташкилий ишлар ва улардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича Э.Бабенкова, И.Павлов, С.Огоюкина, Н.Митрофанова, Л.Загидуллина, В.Данилевская, А.Яковлева, М.Дудолодова, О.Бендина, С.Дзидзоева, Л.Анисова, Р.Багирова, Ю.Максимова, Э.Субботина, М.Шербаков, В.Тагирова, С.Гриппа, В.Ненахов, В.Агафонов, В.Малченко, Л.Пучков, Э.Шлевкова каби олимлар тадқиқот ишлари олиб борган.

Хорижий давлатларда биология таълими жараёнида ўқув-дала амалиётдан фойдаланиш, электрон таълимни жорий этиш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ривожлантириш, виртуал лаборатория машғулотларини ишлаб чиқиш муаммолари К.Hornby, P.Mary, G.Gunnil, A.Fernandez, M.Hovvel, H.Deborah, V.Diana, M.Linda, A.Ben, H.Rania, J.Cogan ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-148 – “Касбий таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси амалий лойиҳаси” (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқув-дала амалиётини ташкил этишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш орқали талабаларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини очиб бериш;

ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

ўқув-дала амалиётини ахборот технологиялари воситасида ташкил этишнинг методик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш;

ахборот технологиялари воситасида ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Андижон давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент давлат педагогика университети биология ўқитиш методикаси таълим йўналишининг 468 нафар респондент-талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети Зоология фанидан ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга доир педагогик ва методик манбаларни қиёсий ўрганиш, таҳлил қилиш, кузатиш, таққослаш, умумлаштириш, анкеталар олиш, суҳбат, сўровнома, тест, тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, ўқитишнинг визуал-тадқиқий имкониятларини кенгайтириш, талабаларнинг изланишли фаолиятини индивидуаллаштириш жараёнларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш модели профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти интернал интеграциясини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-функционал шартларни зоология фанига адаптив татбиқ этишнинг кўп босқичли алгоритминини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

ўқув-дала амалиётинини ахборот технологиялари воситасида ташкил этишнинг методик шарт-шароитлари “Зоология” фанидан йўналтирувчи мақсадни аниқ кўзда тутадиган мобил илова ишлаб чиқиш, амалий фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи интерфаол дастурий воситалардан фойдаланишнинг эргономик талабларини белгилаш, талабаларда медиасаводхонликни ривожлантиришнинг биологик таълим билан бевосита алоқадорлигини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини баҳолашга доир назорат топшириқларини вариатив, табақалаштирилган ёндашув асосида ишлаб чиқиш, креатив ва амалий йўналтирилган ўқув мақсадларини аниқлаштириш, уларнинг натижавийлигини таъминлашга доир ахборот технологиялари воситасида ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг ўқув-дала амалиётинини ташкил этиш ўтказиш технологияси такомиллаштирилган;

“Ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий методик тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари” номли ўқув қўлланма нашр эттирилган;

“Зоология ўқув-дала амалиёти” мобил иловаси (DGU 2021 1497) яратилган;

ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланган усуллар, фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асослангани,

хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқув-дала амалиётини ташкил этиш ва ўтказишнинг дидактик имкониятлари очиб берилгани, биология таълими, жумладан, “Зоология” фанидан дала амалиётини ўтказишга қўйиладиган педагогик-психологик, дидактик, методик ва эргономик талаблар ишлаб чиқилгани, ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш мазмуни ёритиб берилгани, ўқув-дала амалиётини ўтказишнинг ташкилий-функционал модели ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биология фанидан ўқув-дала амалиётини ўтказишнинг дидактик тизими ишлаб чиқилгани, махсус тажриба майдонларида ўқув-дала амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш методикасининг ишлаб чиқилгани, ўқув-дала амалиётини ахборот технологиялари воситасида ташкил этишнинг методик шарт-шароитлари такомиллаштирилгани, ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини баҳолаш мезонлари, ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари асосида:

ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, ўқитишнинг визуал-тадқиқий имкониятларини кенгайтириш, талабаларнинг изланишли фаолиятини индивидуаллаштириш жараёнларига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5110400 – Биология бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун “Ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий методик тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-119 рақамли гувоҳнома). Натижада, ўқув-дала амалиётини ташкил этишнинг педагогик-психологик, методик ва эргономик талабларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш моделини ўқув-дала амалиётини ахборот технологиялари воситасида ташкил этишнинг методик шарт-шароитлари, “Зоология” фанидан йўналтирувчи мақсадни аниқ кўзда тутадиган мобил иловани ишлаб чиқиш, амалий фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи интерфаол дастурий воситалардан фойдаланишнинг эргономик талабларини белгилаш, талабаларнинг медиасаводхонлигини ривожлантиришнинг биологик таълим билан бевосита алоқадорлигини ҳисобга олиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5110400 – Биология бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун “Ўқув-дала

амалиётида талабаларнинг касбий методик тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-119 рақамли гувоҳнома). Натижада, ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизимини такомиллаштиришга эришилган;

талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини баҳолашга доир назорат топшириқларини вариатив, табақалаштирилган ёндашув асосида ишлаб чиқиш, креатив ва амалий йўналтирилган ўқув мақсадларини аниқлаштириш, уларнинг натижавийлигини таъминлашга доир ахборот технологиялари воситасида ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришга доир илмий таклиф ва тавсиялардан 5110400 – Биология бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун “Ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий методик тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-119 рақамли гувоҳнома). Натижада, ўқув-дала амалиётини ташкил этиш ва ўтказишда ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп қилинган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотга Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши,

эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқув-дала амалиёти бўлажак биологларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида, зоология фанидан талабаларнинг ўқув-дала амалиётини ташкил этишнинг амалиётдаги ҳолати, ўқув-дала амалиётини ўтказишда профессор-ўқитувчи ва талаба фаолиятини уйғунлаштиришнинг интегратив модели ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон Қарорида Фанлар Академияси илмий-тадқиқот институтлари ҳамда хўжалик бирлашмалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва кластерлар бириктирилган олий таълим муассасаларида кимё ва биология йўналишларида самарали ўқув жараёнини таъминлаш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига эришиш, соҳанинг етук мутахассислари раҳбарлигида дипломолди амалиётларни ўташ, талаба ва профессор-ўқитувчиларни лабораториялардан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишиш учун шароит яратиш, магистрлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишда амалий раҳбарликни амалга ошириш, илмий иш натижаларини амалиётга татбиқ этишга яқиндан ёрдам бериш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш каби вазифалар белгиланган.¹

Таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири талабаларга инсоният тарихи давомида яратилган билимларни етказиш, фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари учун тегишли шароит яратиш, зарур ахборотларни танлаш ва мустақил ўқишни ўргатиш орқали билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва қизиқишларини орттиришдан иборат.

Ушбу вазифаларни анъанавий таълим технологиясидан фойдаланган ҳолда ҳал этиб бўлмайди, шу сабабли таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологиясини қўллаш зарурати вужудга келди.

Республикада фанлараро модулли таълимни татбиқ этиш масаласи профессор Н.М.Эгамбердиева томонидан ўтказилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган бўлиб, олима маданий-инсонпарварлик ёндашуви асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлашув жараёнида педагогик ва ижтимоий фанларни интеграллашган тарзда ўқитишнинг ташкилий-технологик шарт-шароитларини ишлаб чиққан.

Бироқ Н.Эгамбердиева томонидан амалга оширилган илмий изланишда бир фан туркуми (педагогик фанлар) доирасида модулли ўқитишни амалга оширишга кўпроқ эътибор қаратилган. Ижтимоий-гуманитар фанлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.08.2020 й., 07/20/4805/1174-сон.

(маданиятшунослик, этика, эстетика, экология) амалий курс сифатида алоҳида аудиториядан ташқари ўрганилган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган пропедевтик интегратив-модулли модель (1-расмга қаранг) уч блокдан иборат бўлиб, “Нима учун?”, “Нимани ўқитиш?”, “Қандай?” саволларига жавоб бериб, бутун дала амалиёти жараёнида қўлланади.



1-расм. Пропедевтик методик модулнинг интегратив модели

Кўрсатмали-ахборотли блок “Нима учун?” (ўқув-дала амалиётчиси интегратив-модулли моделни қайси мақсадда ўзлаштириши зарур?) саволига жавоб беради.

Коммуникатив-ўқув-дала блоки “Нимани ўрганиш керак?”, яъни амалиёт мазмуни нимадан иборат эканини ўзида ифода этади.

Назорат-натижавий блок “Қандай?” саволига жавоб бериш орқали дала портфолиосини ўз ичига оладиган методик маҳсулот яратиш технологиясини кўзда тутди.

Пропедевтик методик модулга доир топшириқлар учун асосий материал сифатида реал табиий муҳитда бажариладиган биология (зоология) фанидан ўқув-дала амалиёти вазифалари акс этади. Талабалар ўзининг имкониятлари, қизиқишлари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бўлғуси методик маҳсулот “тимсоли” сифатида методик йўналтирилган касбий вазифаларни ҳал этиш йўлини мустақил танлайди.

Диссертациянинг “**Ўқув-дала амалиётида талабаларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг методик асослари**” деб номланган иккинчи бобида ўқув-дала амалиётида бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш, ўқув-дала амалиётини махсус тажриба майдонларида ташкил этиш методикаси, ўқув-дала амалиётини ахборот технологиялари воситасида ташкил этишнинг методик шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Бўлажак биология ўқитувчиларни тайёрлашда ҳам биология, ҳам педагогик нуқтаи назардан компетенцияларни мажмуавий тарзда шакллантириш лозимлигини ҳисобга олиш лозим. Чунки биология таълимида ўқув, илмий ва мустақил иш шакллариининг назарий ва амалий таркибий асосларини мақбул уйғунлаштириш, амалий ва ижодий тавсифдаги топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Назарий билимлар уларни амалиётда қўллаш олиш имкониятига ҳам эга бўлиши муҳим. Ана шу нуқтаи назардан, ўқув-дала амалиётини ўтказиш жараёнида шакллантириладиган компетенцияларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: таянч, умумкасбий ва махсус.

Таянч туркумга умумилмий, тизимли ва воситали, ижтимоий-шахсий ва умуммаданий компетенцияларни киритиш мумкин (1-жадвалга қarang).

Ўқув-дала амалиёти давомида педагогика таълим соҳаси Давлат таълим таълим стандартида белгилаб берилган касбий вазифаларни аниқлаштирувчи мажмуавий компетенцияларни эгаллаш мумкин.

Мажмуавий компетенцияларни ўзлаштириш орқали бўлажак биология ўқитувчиси илмий-тадқиқотчилик, лойиҳавий, ташкилий-бошқарув, педагогик каби касбий фаолият йўналишлари билан боғлиқ вазифаларни самарали амалга ошириш имконига эга бўлади.

Ўқув-дала амалиёти илмий-тадқиқотчилик фаолиятига доир қуйидаги компетенцияларни таркиб топтиришга хизмат қилади:

- 1) дала жиҳозлари ва кийимларни тайёрлаш;
- 2) тажрибавий мосламалар, лаборатория жиҳозлари билан ишлай олиш;
- 3) илмий-техник ҳисоботлар тузиш, тушунтириш қайдлари ёза олиш;

4) ўтказилаётган тадқиқот бўйича шарҳ, аннотация, реферат ва адабиётлар рўйхатини тузиш;

1-жадвал

Ўқув-дала амалиётида шаклланадиган таянч компетенциялар тизими

Компетенция турлари	Компетенция элементлари
Умумилмий	1) фалсафий тушунчалар ва назарияларни билиш; 2) психология ва педагогик билимларга эгалик; 3) математик билимлардан фойдала олиш қобилияти; 4) замонавий табиий фанларнинг асосий йўналишларини билиши; 5) гуманитар ва иқтисодий билимлардан фойдалана олишга тайёрлиги; 6) замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш қобилияти; 7) биологик фанларнинг тузилиши, замонавий жамиятда биологиянинг ролини тушуниш
Тизимли ва воситали	1) методологик ва когнитив қобилиятлар; 2) ахборот билан ишлаш; 3) технологик маданиятга эгалик; 4) тайм-менежментга қобилиятлилиқ; 5) коммуникатив
Ижтимоий-шахсий ва умуммаданий	1) маданий қадриятларни тушуниш ва уларга амал қилиш; 2) фуқаролик ва ватанпарварлик туйғусига эгалик; 3) инсонпарвар йўналганлик; 4) ўз-ўзига ривожлантиришга қобилиятга эгалик; 5) педагогик қобилиятга эгалик; 6) педагогик касбининг ижтимоий аҳамиятини англаш; 7) рефлексив қобилиятга эгалик; 8) ҳамкорликда ишлай олиш.

семинар, илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш, мақолалар тайёрлаш;

5) соҳага доир, ҳудудий, миллий ва глобал муаммолар бўйича мажмуавий биологик тадқиқотлар ўтказишда иштирок этиш;

б) замонавий фан ва техника ютуқларига асосланган илмий тадқиқот ишлари натижаларини таҳлил этиш ва умумлаштириш;

7) биологик хилма-хиллик билан алоқадор вазифаларни ҳал этиш;

8) соҳага доир умумий ва хусусий муаммоларни таҳлил қилиш.

Ўқув-дала амалиёти бўлажак биология ўқитувчиси учун зарур бўлган лойиҳавий фаолиятга доир компетенцияларни шакллантиришга ҳам имкон бериши лозим:

1) замонавий техник воситалар ёрдамида биологик тадқиқотларни ўтказишда иштирок этиш;

2) дала амалиёти юзасидан дастлабки ҳужжатларни расмийлаштириш;

3) замонавий метод ва техникалардан фойдаланиш асосида биологик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, умумлаштириш;

4) тадқиқот натижаларини акс эттирувчи чизма, жадвал, графиклар тузиш;

5) ҳудудни ободонлаштириш ва ландшафтларни яратишда иштирок этиш;

6) атроф-муҳит муҳофазаси, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраб-авайлашга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўқув-дала амалиёти бўлажак биологларнинг ташкилий-бошқарув фаолиятига алоқадор қуйидаги компетенцияларни шакллантириши зарур:

- 1) дала жиҳозлари билан ишлаш;
- 2) дала ишларида қатнашиш;
- 3) техника хавфсизлигига риоя қилиш;
- 4) тадқиқотчиликка доир дала ва лаборатория ишларини ташкил этиш.

Шунингдек, ўқув-дала амалиёти бўлажак биология ўқитувчисининг маърифий ва педагогик фаолиятига алоқадор касбий компетенцияларни ҳам шакллантириши зарур. Методик ва технологик компетенцияларга эга бўлиш бўлажак биология ўқитувчисига:

- 1) ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш, уларнинг биологик саводхонлигини ошириш;
- 2) оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ташкилотлари ва бирлашмалардаги ахборот-таҳлилий фаолиятда иштирок этиш;
- 3) педагогик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- 4) ўлкашунослик ишлари, таълимий экскурсияларни ташкил этиш ва ўтказиш имконини беради.

Юқоридаги фаолият турларига мувофиқ ўқув-дала амалиёти жараёнида шаклланиши лозим бўлган умумкасбий компетенциялар тизими умумлашган тарзда 2-жадвалда келтириб ўтилган.

Ўқув-дала амалиётида шаклланадиган махсус компетенцияларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) биология соҳасига доир махсус билимлардан фойдаланиш;
- 2) амалий вазифаларни бажариш учун химия, география, экологик, атроф-муҳит муҳофазаси, яъни табиий фанларга доир билимлардан мажмуавий тарзда фойдаланиш;
- 3) ахборот билан ишлаш усулларини ўзлаштириш: маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш, мажмуавий изланишлар олиб бориш (асосий тушунча ва категорияларни ажратиш; муаммони ҳал этишга доир назария ва концепцияларни аниқлаштириш, ҳисоботлар тузиш, тезис ва мақолалар тайёрлаш);
- 4) ахборотни танқидий таҳлил этиш, тадқиқот ўтказиш жараёнида мавжуд тадқиқот натижаларига танқидий муносабатда бўлиш, тадқиқотларнинг ишончлилигини таҳлил этиш ва баҳолаш.

Тадқиқот жараёнида ўқув-дала амалиётини ўтказиш жараёнида касбий компетенцияларни шакллантиришда танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиясига алоҳида эътибор қаратилди.

**Ўқув-дала амалиётида шаклландиган умумқасбий компетенциялар
тизими**

Компетенция турлари	Компетенция элементлари
Илмий-тадқиқотчилик	1) дала жиҳозлари ва кийимларни тайёрлаш; 2) тажрибавий мосламалар, лаборатория жиҳозлари билан ишлай олиш; 3) илмий-техник ҳисоботлар тузиш, тушунтириш қайдлари ёза олиш; 4) ўтказилаётган тадқиқот бўйича шарҳ, аннотация, реферат ва адабиётлар рўйхатини тузиш; 5) семинар, илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш, мақолалар тайёрлаш; 6) соҳага доир, ҳудудий, миллий ва глобал муаммоларга бўйича мажмуавий биологик тадқиқотлар ўтказишда иштирок этиш; 7) замонавий фан ва техника ютуқларига асосланган илмий тадқиқот ишлари натижаларини таҳлил этиш ва умумлаштириш; 8) биологик хилма-хиллик билан алоқадор вазифаларни ҳал этиш; 9) соҳага доир умумий ва хусусий муаммоларни таҳлил қилиш.
Лойиҳавий фаолиятга доир	1) замонавий техник воситалар ёрдамида биологик тадқиқотларни ўтказишда иштирок этиш; 2) дала амалиёти юзасидан дастлабки ҳужжатларни расмийлаштириш; 3) замонавий метод ва техникалардан фойдаланиш асосида биологик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, умумлаштириш; 4) тадқиқот натижаларини акс эттирувчи чизма, жадвал, графиклар тузиш; 5) ҳудудни ободонлаштириш ва ландшафтларни яратишда иштирок этиш; 6) атроф-муҳит муҳофазаси, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраб-авайлашга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.
Ташкилий-бошқарувга доир	1) дала жиҳозлари билан ишлаш; 2) дала ишларида қатнашиш; 3) техника хавфсизлигига риоя қилиш; 4) тадқиқотчиликка доир дала ва лаборатория ишларини ташкил этиш.
Маърифий ва педагогик фаолиятга доир	1) ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш, уларнинг биологик саводхонлигини ошириш; 2) оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ташкилотлари ва бирлашмалардаги ахборот-таҳлилий фаолиятда иштирок этиш; 3) педагогик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; 4) ўлкашунослик ишлари, таълимий экурскурсияларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Амалиёт давомида органик олам ва унинг объектларини ўрганишда ўсимлик ва ҳайвонларнинг ривожланиши, уларнинг хилма-хиллиги, ҳаётини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, ғамхўрлик қилиш ҳақидаги илмий билимлар, муайян кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга эътиборни қаратиш лозим.

Тадқиқот доирасида “Зоология” фанидан ўқув-дала амалиётини ташкил этишнинг қуйидаги алгоритмик босқичлари ва усуллари ишлаб чиқилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

“Зоология” фанидан ўқув-дала амалиётини ташкил этишнинг алгоритмик босқичлари ва усуллари

Т.р.	Босқичлари	Қўлланадиган усуллар
1.	Танишув	“Табиат қўйнида маъруза”, “Таклиф этилган маърузачи”, “Дала конспекти”, семантизация, ахборотларни кўп ўлчамли мустаҳкамлаш, экскурсия бўйича ҳисобот шаклида ўрганилган материалларни мустаҳкамлаш
2.	Амалий	Ҳайвонларга геоэкологик тавсиф ёзиш, фотоиндикация бўйича ишлаш учун материаллар тўплаш, маршрутни белгилаш, экологик махсус жиҳозланган ҳудудларга фаунистик тавсиф ёзиш, экскурсия ўтказиш, коллекция йиғиш, суратларга олиш
3.	Оромгоҳ ҳудудида бажариладиган амалий ишлар	Ҳайвонларнинг турини аниқлаш ва сақлаш; ҳайвонларга морфоэкологик тавсиф ёзиш; фотоиндикация бўйича ўлчов ва ҳисоб-китоб ишлари; экскурсия ишланмасини тайёрлаш; коллекцияни расмийлаштириш; дидактик материаллар, “Ҳайвонот олами” ва “Экологик ҳудуд” лойиҳалари бўйича тақдимот тайёрлаш.
4.	Назорат ва ҳисобот	Зоологиядан ўқув-дала амалиёти босқичлари (умуртқалилар ва умуртқасизлар) бўйича назорат ўтказиш; лойиҳалар тақдимути; “синов экскурсияси”, гуруҳий ҳисоботлар тайёрлаш ва уларни семинар кўринишида ҳимоя қилиш.

1-босқич – танишув. Мазкур босқичда асосий эътибор хилма-хил ҳайвонлар турлари бўйича экскурсия ташкил этишга қаратилди. Бу жараёнда “Табиат қўйнида маъруза”, “Таклиф этилган маърузачи”, “Дала конспекти”, семантизация, ахборотларни кўп ўлчамли мустаҳкамлаш усулларидадан фойдаланилди.

“Табиат қўйнида маъруза” усули. Ўқув-дала амалиётининг танишув босқичида мазкур усул талабаларнинг назарий материалларни идрок қилиш жараёнини фаоллаштиради. Мазкур ҳолатда атрофдаги ҳайвонлар кўрғазмали курол вазифасини бажаради. Табиат қўйнида маъруза ўтказилишидан хабардор талабалар ўзлари билан бирга йиғма стуллар ёки гиламчалар олишади. Маърузачи учун мўлжалланган жойда доска ўрнини босадиган планшет, қаттиқ қоғоз варақлари ҳамда чизма ва расмларни чизиш учун маркерлар бўлади. Бу жараёнда аввалдан тайёрланган тақдимот материалларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ноутбук экрани ҳамма учун кўринарли бўлишига эътибор қаратиш лозим.

“Таклиф қилинган маърузачи”. Талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш усулларида бири махсус таклиф қилинган мутахассис томонидан маъруза ёки экскурсиянинг ташкил қилинишидир. Бу ерда, энг аввало, талабаларни ўрганилаётган материалга эътиборини жалб қилиш учун “ҳолатни ўзгартириш” унсури ишлайди.

“Дала конспекти” усули. Анъанавий усулда дала қайд варағидан талабалар экскурсия вақтида улар дуч келган ҳайвонларнинг ўзбек тилидаги, оромгоҳга келгач эса, лотинча номланишини ёзишда фойдаланишади. Мазкур жараёни жадаллаштириш учун талабалар экскурсия вақтида фақат ҳайвонларнинг номларини ёзиб қолмасдан, дала қайд варағига конспект ёзишади. Мазкур қайдларда ҳайвоннинг тури, номланиши, бошқа ҳайвонлардан фарқ қилувчи жиҳатлари, доривор ва бошқа хусусиятлари, далиллар акс этиши керак.

Агар ўқув-дала амалиётининг бошланишида талабаларда дала конспектини ёзишга қизиқиш паст бўлса, ўқитувчи экскурсиядан сўнг қайд варағига текширувчи белги ёки имзо қўйиб бориши керак. Бироқ назоратнинг мазкур шакли талабалар учун топшириқ ижросини бажариши учун хизмат қилиб қолмаслиги керак.

Семантизация усули. Агар талаба ҳайвонларнинг лотин тилидаги номланишини ҳам билса, у уни яхши эслаб қолади. Бунинг учун экскурсовод ҳам ҳайвонларнинг лотин тилидаги номланишини яхши билиши керак. Агар шарҳли экскурсия ҳар йили бир хил маршрут бўйича ўтказилса, ҳайвонларнинг катта ҳарфлар билан ёзилган лотин тилидаги номлашини кўрсатилган карточкадан фойдаланиши мумкин.

Экскурсия вақтида қўлга киритилган маълумотларни кўп ўлчамли мустаҳкамлаш усули. Бунинг учун ўқитувчида қуйидаги материаллар бўлиши керак: экскурсия учун саволлар рўйхати, ҳайвонларнинг асосий турларининг лотин тилидаги номланиши; экскурсия жараёнида учрайдиган ҳайвонлар расми туширилган виртуал альбом. Талабалар нафақат ҳайвонларнинг турини аниқлай олиши, балки улар ҳақида маълумот ҳам бера олиш лозим. Бу усулни қўллаганда биринчи навбатда, ўқитувчи билиш фаоллиги паст талабаларга саволлар билан мурожаат қилиши лозим. Продуктив ва ижодий билиш фаоллигига эга талабалар ёрдамчи ёки маслаҳатчи ролини бажаришади.

Экскурсия бўйича ҳисобот шаклида ўрганилган материалларни мустаҳкамлаш. Экскурсия материалларини ўзлаштириш у тугаганидан сўнг бирданига ўтказилса, самарали бўлади (агар вақт қолса, албатта) ёки кейинги куни гуруҳлар кесимида қуйидаги топшириқлардан бири бажарилади: махсус хатоларга йўл қўйиш орқали конспект ёзиш, тақдимот, кроссворд тайёрлаш, таянч конспект тузиш ва ҳ.к.

Иккинчи – амалий босқичда ҳайвонларга геозоологик тавсиф ёзиш, фотоиндикация бўйича ишлаш учун материаллар тўплаш, маршрутни белгилаш, экологик махсус жиҳозланган ҳудудларга фаунистик тавсиф ёзиш, экскурсия ўтказиш, коллекция йиғиш, суратларга олиш каби усуллардан фойдаланилди.

Учинчи босқич – оромгоҳнинг ўзида бажариладиган амалий ишлар доирасида ҳайвонларнинг турини аниқлаш ва сақлаш; ҳайвонларга морфоэкологик тавсиф ёзиш; фотоиндикация бўйича ўлчов ва ҳисоб-китоб ишлари; экскурсия ишланмасини тайёрлаш; коллекцияни расмийлаштириш; дидактик материаллар, “Ҳайвонот олами” ва “Экологик ҳудуд” лойиҳалари бўйича тақдимот тайёрлаш усулларидан фойдаланилди.

Тўртинчи – назорат ва ҳисобот босқичида қуйидаги усуллардан фойдаланилди: зоологиядан ўқув-дала амалиёти босқичлари (умуртқалилар ва умуртқасизлар) бўйича назорат ўтказиш; лойиҳалар тақдими; “синов экскурсияси”, гуруҳий ҳисоботлар тайёрлаш ва уларни семинар кўринишида ҳимоя қилиш.

Умуман олганда, ўқув-дала амалиётининг биз томонимиздан таклиф этилган тактик технологияси ривожлантирувчи таълим талабларига жавоб бериб, мазкур таълим шаклининг самарадорлигини ошириш ва талабаларнинг тадқиқотчилик компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўқув-дала амалиётини АКТ орқали ўтказишга тайёрлаш босқичлари:

1-босқич – технологик (АКТдан фойдаланиш усулларини аниқлаб олиш: талабаларнинг компьютер билан ишлаш йўллари);

2-босқич – мазмунли-ташқилый (мавзуни танлаш, мақсад ва вазифаларни аниқлаб олиш, ўқитувчи ва талаба фаолиятларини режалаштириш, ўқув материалини ўрганиш шакли ва танланган методлар самарадорлигини баҳолаш);

3-босқич – жараёнли (АКТдан фойдаланиш асосида виртуал экскурсияни ўтказиш, белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш);

4-босқич – таҳлилий-рефлексив (амалиётнинг барча босқичларида талабалар фаолиятини таҳлил қилиб бориш, АКТ қўлланиши самарадорлигини асослаш, талабалар билимини баҳолаш).

Тадқиқот доирасида ўқув-дала амалиётини ахборот технологиялари асосида ташкил этишга доир мобил илова ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинди. Мазкур мобил илованинг умумий кўриниши 2-расмда келтириб ўтилган.



2-расм. Ўқув-дала амалиётини ахборот технологиялари асосида ташкил этишга доир мобил илова

